O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 3 IYUL ◆ SESHANBA ◆ № 76 (26.778)

МЕНИНГ 1d ЙИЛЛИГИМ

ФИДОКОР ВА ТАДБИРКОР

Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, республика Марказий банки Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи:

Ҳамма замонларда юртга фидойи, касб-ҳунарда довруқли инсонлар бўлган. Амир Темур ҳазратлари «Тузук»ларида деҳқон ва ҳунармандларни қўллаганлари, уруғлик, сармоя ажратганларини ёзиб қолдирганлар. Истиқлол туфайлигина қуриган бўлоқлар қайта кўз очди. Эл-юртга фидойилик, тадбиркорлик шон-шараф юмушига айланди.

Эсимда, отам раҳматли ўзлари раҳбар бўлган мактабга янги бино қурдириш учун қанча елиб-югурган эдилар. Давр руҳи ва шиддатини ўша эски мактаб ва бугун қад ростлаётган маърифат масканлари, коллежлар, уларда компьютер бошқараётган ёш авлод муваффақиятларига қараб яққол ҳис қиламиз. Биз болаликда ўйнаб-ўсган Ғузор даштини ҳозир таниб бўлмайди. «Шўртан» газ конлари бошқармаси бир неча миллиард кубометр газни қайта ишлаяпти. Шу жойдаги бетимсол ва беназир газ ҳамда кимё мажмуи ҳам ҳадемай ишга тушади. Унинг шарофати билан даштга сув келди, ўн минг гектар ерда ўрмон, боғлар қулф уради.

Истиқлолни ўз тақдиримда ҳам ҳис қиламан. Ҳам ишлаб, ҳам институтда сиртдан ўқиганман. Қишлоқлик оддий муаллимнинг ўғли — Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олдим. Ўттиз уч ёшимда республика Марказий банки вилоят бошқармаси бошлиқлигига тайинланганим ҳам юксак ишонч ва масъулиятдир. Ҳозир бошқармамизда ишлаётган Зафар Элов Американинг Пенсилвания университетини, Актюрина Люза Банк-молия академиясини тугатиб келишган. Бундай умидли ёшлар қанчадан-қанча.

Ўтган йили Юртбошимиз вилоят кенгашининг сессиясида иқтисодиёт соҳасидаги камчиликларни чуқур таҳлил этиб берган эдилар. Бугун вилоят ҳокими раҳбарлигида барча соҳаларни кўтариш режалари амалга ошаяпти. Бу борада тадбиркорликка таянилмоқда. Иқтидорли фермер, тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 5,3 миллиард сўм кредит берилган бўлса, бу йил 12 миллиард сўмга етади. Натижада тадбиркорларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши 13,9 фоизга етдики, бу 1999 йилдагидан 7;1 фоиз ошиқдир. Бу кўрсаткични камида 25 фоизга етказиш имкониятлари изланмоқда. Жами 3,5 миллион АҚШ долларига тенг 5 та лойиҳа ҳам амалга ошди.

Бугунги тараққиёт ва истиқбол режаларини банклар-сиз рўёбга чиқариб бўлмайди. Айни пайтда вилоятимизда 64 та тижорат банклари 17 мингдан ошиқ мижозга хизмат кўрсатаяпти. Ҳозирча ягона хусусий «Ўктамбанк»нинг сармояси 100 миллион сўмдан, мижозлари 200 тадан ошди. Бундан ташқари 14 та мини-банклар тузилган бўлиб, шундан 7 таси «Пахтабанк» тизимидадир. Бу қулайликни яна 6 та қишлоқ жойида яратмоқчимиз. Шу билан бирга «Банк-мижоз» дастури амалга ошаяпти. Мижозлар банкларга келиб юрмай, жойлардан буюртма берадилар, ўз ҳисоблари билан борадилар. Бу усулда ишлаш Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида яхши ташкил этилган.

Албатта, муаммолар оз эмас. Вилоят халқ хўжалиги ривожига сарфланаётган маблағлар самарадорлигини ошириш тинимсиз эътибор талаб қилади. Айниқса, тадбиркор, хусусан, қишлоқдаги фермерлар учун вақтида чорва озуқаси ва бошқа фондлар ажратилмайди. Оқибатда кредитдан тўла фойдалана олмайди ёки банкротга учрайди. Бу муаммолар ечилади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кимки умид билан эзгу ишга қўл урса, албатта, мақсадига етади. Фақат изланиш, фидокорлик бўлса бас. Негаки, биз орзулар ҳақиқатга айланаётган мамлакатда яшаяпмиз. Агар орзу иморат бўлса, уни ўзимиз, пишиқ-пухта қилиб қуришимиз лозим.

КИМГА ТОНГУ КИМГА ШОМ



■ Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида самбо бўйича Осиё чемпионати якунланди. Унда 8 мамлакатдан 200 нафар спортчи иштирок этди. Беллашувлар асосан тўрт мамлакат — Россия, Қозоғистон, Мўғулистон ва Ўзбекистон полвонлари ўртасида бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ спортчилар юқори кўрсаткичга эришиб, мусобақаларда ўз устунликларини намойиш этишди. Ҳамюртларимиздан Л. Тошалиев, О. Одилов, И. Сагиров, М. Иванов, қозоғистонлик Р. Тореханов, россиялик А. Третяков, А. Семенек, А. Адикаев каби самбочилар рақиблари устидан ғалаба қозонишди.

Ғолибларга чемпионат совринлари ва эсдалик совғалари топширилди.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 3 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	194,66	10 Люксембург франки	80,20
1 Австрия шиллинги	23,51	1 Малайзия рингтити	100,38
1 Англия фунт стерлинги	539,58	1 Германия маркаси	165,42
10 Бельгия франки	80,20	1 Польша злотийси	95,23
1 Голландия гульдени	146,81	1 СДР	475,07
10 Греция драхмаси	9,50	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	43,49	1 Финляндия маркаси	54,41
1 БАА дирхами	103,84	1 Франция франки	49,32
1 АҚШ доллари	381,38	1 Швейцария франки	212,41
1 Миср фунти	98,80	1 ЕВРО	323,52
10 Испания песети	19,44	10 Жанубий Корея вони	2,94
100 Италия лираси	16,71	10 Япония иенаси	30,59
1 Канада доллари	251,74	1 Россия рубли	13,12
1 Хитой юани	46,08	1 Украина гривнаси	70,87

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

ЁКИ ДЕҲҚОНГА ВАКИЛУ НАЗОРАТЧИЛАР ШАРТМИКАН?

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган гап бор. Бу ҳар ким ўз ишини қилсин, дегани. Ростдан ҳам деҳқон деҳқончилигини, шифокор шифокорлигини, чўпон чўпонлигини қилгани яхшида.

Афсуски, ҳаётда баъзан бу оддий ҳақиқатга амал қилмаслик, бир касб эгасини бутунлай бошқа касб эгасининг фаолияти учун вакил қилиб тайинлаш ёки унинг иши устидан назоратчи қилиб қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги «Тошкент» ижара ширкатлар бирлашмасига борганимизда шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик.

Хўжаликда 24 май куни ғалла ўримига киришилган экан. 2 та «Кейс» русумли комбайн тўхтовсиз ишлаяпти. Ҳар қайсисида 3 тадан комбайнчи. «Кейс»ларга яна ҳарбий билим юрти курсантларидан, туман машина-трактор саройидан, мактаб ўқитувчиларидан ҳам назоратчилар қўйилган. Бундан ташқари вилоят ҳамда туман ҳокимликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, нефть маҳсулотлари таъминоти ва дон қабул қилиш корхоналаридан ҳам вакиллар бор экан. Ҳар битта комбайнга 10-15 тадан вакил ва назоратчи қўйилганлигидан ҳайрон бўлганимизни сезган бирлашма раҳбари Сергози Ниёзов кўнглидаги гапларни очиқ айтиб қўя қолди:

— Иложимиз қанча. Вакил ва назоратчилар вилоят ҳамда туман ҳокимликлари томонидан қўйилган. Уларнинг айтганларини қилишга, кўрсатмаларини бажаришга мажбурмиз. Ҳар куни камида 30-40 одамга уч маҳал иссиқ овқат тайёрлашни айтмайсизми? Бир кишига ўртача 2000 сўмдан сарфлаганимиздаям кунига 70 минг сўм керак. Энди шуни 25-30 кунга кўпайтирадиган бўлсак, 2 миллион сўмдан ошса ошадики, кам бўлмайди. Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?!

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Ўрим-йиғим даврида талон-торожликка йўл қўймаслик, ғалла исрофгарчилигининг олдини олиш учун бу нарсага балки эҳтиёж бордир. Лекин ҳар бир комбайн ортида 10-15 чоғли вакилу назоратчиларнинг куну тун юриши шартмикин? Қолаверса, деҳқон вакилу назоратчига муҳтожми ўзи? Ер тайёрлаш, ғалла экиш, уни парваришлаш чоғида деҳқоннинг ёнида турмаган, унинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмаган, бугун эса хирмонда ҳозиру нозир назоратчию вакилларнинг фойдасидан зиёни кўпайиб кетмаяптимикин? Хўжаликларда 2-3 тадан, туманларда 30-35 тадан комбайн ишлашини ҳисобга олганда бу зарар қанчага етади? Вилоят миқёсида-чи?

— Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, — дейди тўртинчи ширкат раиси Бозорбой Бахтибоев. — Биз ҳам ҳозир шундай ҳолатдамиз. Чунки, 8-9 ойдан бери далада ишлаб, яхшигина ҳосил етиштирсанг-у, бироқ ғалла пишганда уни йиғиштиришга бошқалар келса. Вакиллар ва назоратчилар рухсат бермагандан сўнг иш ҳақи ҳисобидан рўзғор учун керакли ғалланиям ололмасдан доғмиз.

— Ўзи бирлашмада ҳосил қандай бўлди? — сўраймиз деҳқонлардан.

— Давлатга жами 1730 тонна ғалла топшириш ҳақида шартнома тузган эдик. Ҳозиргача 2100 тоннадан кўпроқ дон етказиб бериб, шартномавий режани ортиғи билан бажардик, — дейди раис. — Лекин ишчиларимизга ғалла беролмаяпмиздa...

Ғалла ўрим-йиғими ниҳоясига етмоқда. Шундай пайтда ғалла тўғрисидаги бу гапларни достон қилишга не ҳожат, деган савол туғилиши табиий. Лекин олдинда ҳали ғўза парвариши, пахта йиғим-теримидек масъулиятли мавсумлар турибди. Бундаям яна ҳар галгидек вакиллару назоратчилар кўпаяди. Уларнинг ўз ишини яхши биладиган, касбининг устасига айланган деҳқонга ёрдам бериш ўрнига билиб-билмай уни ишдан чалғитмаслигига кафолат борми?!

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТЕРАК — ҲАММАГА КЕРАК

ЁКИ БИРОВЛАР ЭКИБ, КЎКАРТИРГАН ТЕРАКЛАРГА ЭГА ЧИҚИБ, ФОЙДА КЎРМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ХУСУСИДА

Инсон ҳаёт экан фаровон яшашни орзу қилади. Шу мақсад йўлида курашади, ишлайди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига қарашли Нишбош қишлоғи аҳолиси ҳам ўзлари яшаб турган ҳудудда яхши ният билан уй-жойлар қилишди, кўчат экиб, боғлар яратишди.

Чекка тоғ қишлоғи бўлганлиги туфайли бу ерларга ёғочтахта келтириш қийин. Шу сабабли бола-чақалари келажагини ўйлаб кўпроқ тераклар экишди. Мана шунга ҳам деярли 40 йил бўлиб қолди.

Аслида узоқ тоғ қишлоқларида яшашнинг ўзи бўлмайди. Маданий-маиший шароитлар кўнгилдагидек эмас. Меҳнаткаш қишлоқ кишилари қийинчиликларга чидаб яшаганлар. Аммо фарзандлари кўпайгач, болаларнинг мактабларга қатнаши қийинлашиб қолди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, вақтини тежаш мақсадида Нишбош қишлоғидагилар мактабга яқинроқ жойлашган ерларга кўчиб ўтиб, яшай бошлашди.

Лекин ўзлари кўкартирган дарахтларни, қурган иморатларини ташлаб қўйишмади. Дарахтларни суғориб, парваришлаб туришди. Уй-жойларини таъмирлаб бордилар. Томорқаларнинг эгасиз эмаслигини тасдиқлаш мақсадида зарур солиқларни тўлаганликлари ҳақидаги ҳужжатларни сақлаб ҳам қўйишди.

Уларнинг тинч, осуда ҳаётига собиқ иттифоқ даврида айрим тўраларнинг одам қадр-қимматини назарписанд қилмайдиган хатти-ҳаракатлари раҳна солди. Уларга қишлоқ хилват бўлиб туюлди ва бу ерда болалар лагери қуришга жазм қилинди.

Ҳа, тўралар айтдими, улар истадими тамом, ҳеч кимнинг «ғинг» дейишга ҳаққи йўқ эди. Акс ҳолда «шўримга шўрва тўкилади», деяверинг. Ўшанда шундай бўлганди. 1967 йилда собиқ Ўртачирчиқ туманидаги «Оҳангарон-2» савхози раҳбарлари хатига асосан туман ижроия қўмитаси қарори билан қишлоқ ҳудуди Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш корхонасига болалар лагери қуриш учун ажратиб берилди. Қишлоқ аҳолисига эса ўстирган дарахтлари, иморатлари учун товон пули тўланмади. Чунки обод маскан осмондан тушиб қолган тайёр луқма эди-да. Хуллас, одамларнинг арз-додини тинглайдиган, уларга ёрдам қўлини чўзадиган мард топилмади.

— Майли, ҳар ҳолда биз яратган боғларда эл-юрт фарзандлари ўйнаб, ҳордиқ чиқаришади-ку, — дея ўзларини юпатишди қишлоқ аҳли.

Ҳар бир нарсани ибтидоси бўлганидек интиҳоси ҳам бўлади. Хусусан, инсон туғилади, улғаяди, қариб боқий дунёга равона бўлади. Худди шунингдек, дов-дарахтлар ҳам. Дарахтлар қарий бошлагач, ўз вақтида янгиланмаса, ўтинга айланади. Айниқса, тераклар етилиши билан кесиб олиб ишлатилмаса, унга қурт тушиб чирий бошлайди. Натижада яроқсиз матоҳга айланади.

Нишбош қишлоғи одамлари ҳам ўзлари экиб кўкартирган теракларнинг етилганини, яъни иморатбоп бўлганини кўриб, уларни арзон баҳода сотишни сўраб Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш корхонасига мурожаат қилишди. Корхона раҳбарлари аввалига розилик бергандек бўлишди. Аммо дарахтларни кўргач, адл тераклар уларнинг кўзларига жарақ-жарақ пул бўлиб кўриниб кетди шекилли, ниятларидан қайтишди. Ҳозир эса беллари оғриб экмаган дарахтларни сотиб мўмай даромад олиш пайида юришибди.

Халқ депутатлари Оҳангарон тумани кенгашининг 1993 йил 3 майда Тошкент вилояти ҳокимининг муовинига йўллаган 185-рақамли хатида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Ҳақиқатан ҳам кашшофлар оромгоҳи қурилиши учун Ўртачирчиқ туман ижроия қўмитасининг 1967 йил 3 июндаги қарори ва Тошкент вилояти кенгаши ижроия қўмитасининг 1967 йил 28 июндаги қарори билан 5 гектар ер майдони ажратилган. Ажратилган майдонда, аризачиларнинг гувоҳлик беришича, мевали дарахтлар ва теракларнинг ёш ниҳоллари бўлган. Ўтган 26 йил ичида тераклар кўкка бўй чўзиб қурилишга яроқли ҳолга келди. Қурилиш материалларининг ҳозирги тақчиллик пайтида аризачиларнинг ўз теракларини олишга даъво қилаётганликлари ўринлидир».

Бизнингча, изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Аммо орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, масала ҳамон очиқлигича турибди. Муаммо вақтида ҳал этилмаса, тераклар қариб, яроқсиз ҳолга келиб қолиши ҳеч гап эмас.

Афсуски, корхона маъмурияти узоқ йиллар мобайнида мевали дарахтлар ҳосилидан фойдаланган етмагандек, теракларни ҳам ўз эгаларига қайтармаслик учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Терак эгалари эса ўз ҳақликларини исботлаш учун деярли ўн йилдан бери оворaю сарсон. Улар умид билан вилоятдаги мутасадди ташкилотларга қайта-қайта мурожаат этишмоқда. Бироқ масалани чуқур ўрганадиган, оқни оқ, қорани қорага ажратиб, мураккаб шароитда яшаб, меҳнат қилаётган тоғликларга ёрдам берадиган топилмаётир.

Яна шуни айтиш керакки, оромгоҳ бир неча йилдан буён ишламаяпти, тобора ташландиқ, харобага айланиб бораётир. Тераклар эса қариб қолди. Айни пайтда эгаларига берилса, уларнинг корига яраши мумкин. Акс ҳолда вақт ўтиб, ўтиндан бошқа нарсага ярамай қолади.

■ **Бобо САРОЙИ**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ИҚТИСОДИЙ МУШОХАДА

ТАРАҚҚИЁТ ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, унинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви, ўз олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзи ҳал этиши учун реал имконият пайдо бўлди. Республикамизда сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги иқтисодиётга хорижий сармоялар жалб этишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, 2000 йилнинг ўзида иқтисодиётга 639,3 миллиард сўмлик чет эл сармоялари киритилди, улардан 386,5 миллиард сўми ёки жами ўзлаштирилган сармояларнинг 55,5 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Чет эл сармояларининг улуши 21,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга хорижий капитални жалб этишда микроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, аввало, нарх барқарорлиги, яъни инфляция даражаси билан боғлиқ. Ислоҳотларнинг дастлабки кезларида инфляциянинг бир неча юз фоизга тенг бўлиши, нархларнинг бир неча ўн баробар ошиб кетиши кузатилди. Республикамиз ҳукуматининг ушбу соҳада олиб борган изчил сиёсати натижасида инфляция даражасининг пасайишига эришилди. Бу эса хорижий сармояни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг бирмунча яхшиланишига олиб келди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармоялар жалб этишни фаоллаштиришда хусусий секторнинг ривожланиши ўзига хос ўрин эгаллайди. Бинобарин, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида нодавлат секторининг роли ортиб бормоқда. 2000 йил маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг 70,2 фоизи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 65,4 фоизи, қурилиш ишларининг 81,3 фоизи, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг 99 фоизи, чакана савдо айланмасининг 96,8 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 56,3 фоизи, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76,0 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йиллари давомида хорижий сармоядорлар билан ташкил этилган корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда жуда катта ишлар амалга оширилди. Хорижий сармоялар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Амалдаги қонунлар чет эллик сармоядорлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида ҳам кенг имтиёзлар беради. Мана, уларнинг баъзилари:

— агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда қатнашсалар, етти йил мобайнида фойдани тўлиқ тўлашдан озод қилинадилар;

— низом фондида чет эл сармоясининг улуши 30% дан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ҳалқ истеъмоли молларини ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда ишлашга, иккиламчи хомашё ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади;

— Ўзбекистон иқтисодиётига умумий ҳажми 50 миллион доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган сармоялар ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш учун муайян шароитлар яратилган. Бироқ, шунга қарамай бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ҳам анчагина.

Чет эллик сармоядорлар билан ишлашда баъзи бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, алоҳида тадбиркорлик қобилиятининг тўла шаклланмаганлиги, раҳбар кадрларда ташаббускорлик ва ишбилармонлик хусусиятларининг ривожланмаганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилмаслиги натижасида 1999 йилда ҳукумат кафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганига нисбатан амалда кам бажарилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтганларнинг 52 фоизини ташкил қилади. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизи ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади. Қўшма корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Республикада фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган.

Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан жаҳонга юз тутмоқда. Унинг бош мезонларидан бири — чет эл инвестициясини мамлакатимизга жалб қилиш. Бинобарин, бу борада қўйилажак ҳар бир қадам эртага мислсиз самаралар бериши шубҳасиз.

■ **Мўминбек КАРИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ТИББИЁТДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Мамлакатимиз шифохоналари оламига яна бир ўзига хос янгилик кириб келди. Яқинда Швейцариянинг тиббиёт жиҳозларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «SCHILLER» компаниясининг турдош корхонаси иш бошлади.

Аввало, компания хусусида тўхталиб ўтсак. Фирмамиз ўз фаолиятини бошлаганига 20 йилдан ошган бўлиб, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатида ҳамкорликни йўлга қўйган. Кўп мамлакатларда, хусусан, Германияда электрокардиографлар ва спирометрлар ишлаб чиқаришда «SCHILLER» компанияси илғорликни қўлдан бермай келмоқда. Компаниянинг АҚШ, Лотин Америкаси ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бунга нарх ва сифатнинг энг муқобил нисбати, жиҳозларнинг ишончлилиги, тиббий техниканинг бутун жаҳон шифокорлари ўртасида катта мавқе қозониши орқали эришилди.

— Асосий мақсадимиз, — дейди компания президенти Альфред Шиллер, — маҳсулотларимиз ва кўрсатилаётган хизматларимизга ишончни мустаҳкамлашдир. Шу мақсадда электрокардиографлар, маълумотларни бошқариш тизимлари, замонавий спирометрлар, тўшаколди юқори технологик мониторларни таклиф этамиз. Ҳар куни дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида врачлар, ҳамширалар ҳамда техник ходимлар фирмамиз маҳсулотлари билан муносабатда бўладилар. Сизлар ҳам маҳсулотимизнинг юксак сифат кўрсаткичларига ҳамда ишончлилигига амин бўлишингиз учун уларни диққат билан ўрганиб, маҳсулотларимиздан кўнглингиз тўлади.

Компания 1 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг замонавий юксак технологик тиббиёт техникаларини Ўзбекистонга келтиради. Ички ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда экспорт шарт-шароитларини ишлаб чиқади ва йўлга қўяди. Шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда ўзи ишлаб чиқараётган тиббиёт техникаларидан фойдаланувчиларни махсус ўқитиш дастурини ишлаб чиқади.

Компаниянинг республикамизда иш бошлаган турдош корхонаси бош директори Тоҳир Солиев биз билан суҳбатда шундай деди:

— Ҳозир барча ривожланган мамлакатларнинг тиббиёт ходимлари энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлямоқдалар. Ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари ҳам бу каби янгиликлардан мунтазам бохабар бўлиб туришлари, ўз фаолиятларида энг янги тиббиёт жиҳозларини қўллай билишлари керак, деб ўйлайман. Бундан, шубҳасиз, биринчи навбатда одамлар — беморлар манфаат кўрадилар. Корхонамизнинг технологик жиҳозлари фойдаланувчиларга қулай, фойдали шартлар асосида ҳамда арзон нархларда ижарага берилади. Биз билан биргаликда ишлашни, ҳамкорлик қилишни хоҳловчиларга ҳамиша ёрдам беришга тайёрмиз.

Дарҳақиқат, республикамизда иш бошлаган бу янги турдош корхона тиббиёт ходимлари учун ҳам, беморлар учун ҳам жуда катта қулайликлар туғдиради.

■ **Гулчеҳра УМАРОВА**

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти республикамиз енгил саноатида салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда. Жамият йигирув-тўқув бўлими биринчи цехининг беш ойлик иш режаси бўйича 578,3 тонна ўрнига 651,3 тонна ип калава ишлаб чиқарилди. Бу ерда ҳозирда 158 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб келмоқда. Шулардан бири — моҳир ип йигирувчи Хадия Раҳимова ўз шогирдларига бош-қош бўлиб, режаларни 115-120 фоизга адо этиб келмоқда.

Суратда: Хадия Раҳимова.

■ **Зебунисо ҚУРБОНОВА олган сурат**

ДЕПУТАТ ҲИСОБОТ БЕРДИ

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюросида Хазорасп туманидаги 33-Навоий сайлов округидан вилоят кенгаши депутати, Урганч тиббиёт билим юрти директори Хушнуд Қуриёзовнинг ҳисоботи тингланди.

Маълум бўлдики, депутат ўз фаолиятини жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада олиб бормоқда. Шахсий масалалар бўйича фуқароларни қабул қилишни тартибли ташкил этган. Ёки ўтган даврда округда фуқаролар билан 16 марта суҳбат, мулоқотлар ўтказган. Бунда сайловчиларни қизиқтирадиган барча соҳа, тармоқлар қамраб олинишига эришилган.

Депутат 19 нафар фуқарони шахсий масалалар бўйича қабул қилган ва улардан тушган 21 та талаб ва истаклардан 16 таси ижобий ҳал қилинган, олтитаси назоратга олинган.

Саккиз нафар пенсионер ҳамда кам таъминланган, кўп болали оилалар уйларини таъмирлашда депутат тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган. Нафақасини ўз вақтида ололмаётган олти нафар фуқаро мурожаати ҳам ҳал қилинган.

Депутат ўн бир нафар ёшларни мунтазам иш билан таъминлашда яқиндан кўмаклашган. Тўққиз нафар меҳнат фахрийси ва кам таъминланган оиладан беш нафар фуқаронинг шифохонада бепул даволанишида ва дори-дармон топишида ҳам кўмак қўлини чўзди.

Депутат халқ депутатлари вилоят кенгашида «Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари» доимий комиссияси аъзоси сифатида ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот самарадорлигини ошириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан мунтазам суҳбатлар уюштириб келмоқда.

Ижроия бюро аъзолари партиядан сайланган депутатнинг ҳисоботини тинглаб, депутат фаолиятини маъқулладилар ҳамда унинг ибратли томонларини бошқа депутатларга ўрганиш учун тавсия қилишди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАНГА ТОПИЛМАЛАР

Андижон вилоят ўлкашунослик музейининг тангалар тўплами янги топилма билан бойиди. Андижон шаҳридаги Бобосаддин маҳалласидан мис тангалар топилди. Улар Темурийлар авлодидан бўлмиш Мирзо Улуғбек даврига оид бўлиб, жами 3000 донага яқин. Бу тангалар Темурийлар даврининг улус марказлари — Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шоҳруҳия, Термиз, Хисор, Хутталон каби шаҳарларда, асосий қисми Бухорода зарб қилинган.

Топилма тангаларнинг орқа томонида «ҳижрий 832 йил» деган арабча ёзув бор. Улар Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар билан маданий ва савдо-сотиқ алоқаларида муҳим аҳамият касб этган.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Миллий университетида ўқув жараёнини автоматлаштириш борасида намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир неча халқаро жамғарма томонидан ажратилган грантлар асосида фаолият бошлаган ўқув-ахборот маркази фикримиз тасдиғидир.

Бундан икки йил муқаддам TASIC дастури доирасида университетнинг саккизта факультети оптик толали алоқа тизими орқали бир-бирига уланиб, ички компьютер тармоғи тизими яратилган эди. Янги марказ эса ана шу тизимни бирлаштириш натижасида ташкил этилди.

Марказ университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларни ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш, уларга услубий-илмий маслаҳат ва тавсиялар беришни, айни вақтда жаҳон илм-фанида эришилаётган энг сўнгги янгиликлардан тезкорлик билан хабардор қилишни таъминлайди.

■ **Ўз мухбиримиз**

МАЪРИФАТ

Президентимиз бир гуруҳ етук тарихчи олим, адиб, журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатида ўз вақтида «катта ака»ларимизнинг битиб кетган сохта тарихидан воз кечиш, миллатимиз тарихини қадимий қўлёзмалар, эрамиздан олдин ёзиб қолдирилган «Авесто» ва бошқа аждодларимиз томонидан мерос қолган манбаларга таяниб миллатнинг асл тарихини тиклашга даъват этганди.

Дарҳақиқат, Турон халқларининг, жумладан, ўзбек халқи меросига оид асарларнинг кўпчилиги ҳақиқатни акс эттиришга эмас, аксинча уни камситишга, далилларни бузиб кўрсатишга қаратилган ҳоллар, маънавиятимизни муҳрловчи китобатчилик, ноширчилик тарихида ҳам рўй берганлиги изланишларда аён бўлмоқда. Баъзи олимларимиз уларнинг «ҳадя»ларига учиб, улардан кўчирмалар қилиб, асосан 1917 йилга қадар бўлган Ўрта Осиё халқлари тарихи, жумладан ўзбек халқи тарихини аёвсиз равишда чалкаштирилишига, бузиб кўрсатилишига сабабчи бўлдилар.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё маданияти тараққиётини эрамиздан аввалги IV-I асрларга оид топилмалардан, Кушон давлати, ўлкамизнинг марказида жойлашган бақтрияликларнинг I-II асрларга мансуб бўлган бой антик ма-

МАЪРИФАТ

данияти, буюк аллома Абу Райҳон Беруний даврида Сўғд билан Хоразмда китоб сақловчилар бўлганлиги, X асрга келиб Ўрта Осиё маданияти кўп жиҳатдан Ғарбий Оврўпа маданиятидан юксак турганлигидан ҳам, XI-XII асрларда Хоразм, Рай, Ҳамадон ва Исфаҳон шаҳарларида кутубхоналар мавжудлиги, бу шаҳарлар йирик маданий марказ бўлганлигидан, Ўрта Осиё кутубхоналари Ҳиндистон, Эрон, Истанбул, Қоҳира шаҳарларида Шарқ услубида битилганлиги, Туроннинг йирик шаҳарларида яшаб ижод этган адиб ва ҳаттотлар томонидан яратилган китоблар ҳисобига бойиб борганлигидан ҳам бохабармиз.

Айниқса, Туроннинг XI-XIII асрларда яшаб ижод этган мутафаккир олимлари — Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби файласуфлари, машҳур адабиётшунос олим Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ал-Замахшарий тузган арабча-туркча, туркча-тожикча ва мўғул-хоразм тиллари луғатлари ўз илмий аҳамиятини сақлаётганлиги, Амир Темур даврига келиб Турон иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва маданият саҳифаларида ҳам сезиларли ривожланиш юз берганлиги, кейинги Темурийлар сулоласи даврида илм-маърифатга, китобатчилик санъатига Бойсунқур Мирзо асос солганлиги, Улуғбек Мирзо замонида ҳам

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

...Ўн йиллар аввал эди. Чортоқ пахта заводининг темирйўл вокзалидаги юк ортиш шаҳобчасидан вагон-вагон тола жўнатиларди. Жўнатишга масъул мутахассислардан, вагонга ишора қилиб «Қаёққа?» деб сўраб қолардик, қизиқиб. Завод вакили маҳсулоти қаерга юборилаётганини тузук-қуруқ билмас:

— Ким билади, наряд бўйича жўнат деган ерига-да, — дерди ҳижолат чекиб.

Орадан йиллар ўтди. Ўн йилгина. Назаримда ҳозир бу воқеалар узоқ тарихдек ғира-шира эсланади. Истиқлол ҳар биримизнинг онгимизни, шууримизни тубдан янгилади. Бугун ўша шаҳобчага бориб қолсангиз катта ўзгаришларни кўрасиз. Аввало ишга муносабат ўзгарган. Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилидаги эски ёндошувдан асар йўқ. Каттаю кичик ишга жон-дили билан ёндошади. Бўшашиб, оғзидан гапи тушиб қолмайди, олдингидай раҳбаридан тортиб оддий ишчисигача қисиниб ўтирмайди, билакс дадил:

— Англияга! — дейди кўкрак кериб ва фахр билан давом этади, — эртадан толамизни Америка Қўшма Штатлари ола бошлайди.

Ва унинг ҳаракатида, гап-сўзида бир ҳақиқат балқиб юзага чиқади. Бу масъуллик, юрт шаънига, муқаддас Ўзбекистон шаънига масъуллик. Берилиб, ёниб ишлайди. Зеро, «Ўзбекистон» ёрлиғи ила дунё кезаётган маҳсулотида ўзбекнинг номи мужассам-да.

Миллий истиқлол шу тариқа юртдошларимизни чархламоқда, ўзини қадрлашга ўргатмоқда. Агар Наманган вилояти «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси фаолияти билан танишсангиз бунга имон келтирмай иложингиз йўқ.

Бозор муносабатларига ўтиш кўпчиликнинг кўзини очди. Вилоят пахта тозаловчилари бугунги кунда йигирмадан ортиқ йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳамкорлик ришталари тиклангунча эса кўп ишлар қилишни даврнинг ўзи тақозо этди. Изланишлар, мавжуд имкониятларни қидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишга муносабатни, маҳсулот сифатига талабни тубдан ўзгартириш Наманган толасини жаҳон андозаларига монанд қайта ишлаш ва юқори баҳоларда харидорларга етказиш имконини бермоқда.

1998 йилгача вилоят бирлашмасида раҳбар жуда тез ўзгарган. Раҳбарнинг ишдан кетишига сабаблар кўп: ўзибўларчилик, суиистеъмолчиликлар, кўплаб завод раҳбарларининг қамалишигача бориб етарди, аҳвол. Маҳмуджон Ғаниев бирлашмага раис бўлди-ю, муайян ўзгаришлар кузатила бошланди.

Ҳаётини пахта тозалаш саноатига бағишлаган Маҳмуджон ака олий таҳсилдан ташқари 1978-83 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг аспирантурасида ўқиб, пахтани қайта ишлаш бўйича фан номзоди унвонига эришган. Саккиз йил Косонсой пахта заводида директор, икки йил вилоят бирлашмаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Мана тўртинчи йилки, бирлашма раиси.

Камтар, айни вақтда талабчан М.Ғаниев бутун бошли тизим фаолиятини ягона мақсадга йўналтирмоқда. Аввало, бирлашмадагилар «Пахтани деҳқон етиштирсин, биз қайта ишлашни биламиз», деб ўтирмайдилар. Тизим мутахассислари пировард натижага деҳқон билан баб-баравар масъулдирлар. Заводлар қошидаги чигитни танлаш ва уруғликка саралаш иши эътибор билан амалга оширилади.

— Тажрибада синадик, бизнинг шароит учун «С-6524», «Наманган-77» навлари қулай экан, — дейди Маҳмуджон ака. —Қулайлиги тола чиқиши меъёрида, панд бермайди, мўлжалланган миқдорга эришилади. Яна бир муҳим томони, сифати юқори, хорижлик шерикларимиз хурсанд бўлишяпти. Шу боис ҳам кейинги йилларда биз ҳудудларни кўпроқ ана шу икки навга ҳудудлаштириб боряпмиз.

Дарҳақиқат, буни пировард натижа ҳам тасдиқлайди. Вилоят пахтакорлари 2000 йил пахта мавсумида бирлашмага 243521 тонна хомашё топширдилар. Тизимдаги 11 пахта тозалаш корхонаси ҳосилни юксак талаблар билан, сифатли қабул қилиб олди. Ҳозирга қадар мавжуд ҳосилнинг 89 фоизи, ёки 214041 тоннаси қайта ишланди. Қайта ишланган хомашёдан 68322 тонна пахта толаси, 5134 тонна момиқ, 116199 тонна чигит, 7742 тонна пух аралаш чиқинди ва 1525 тонна улюк ишлаб чиқарилиб, белгиланган режалар ортиғи билан адо этилди.

Бирлашма ўтган йил толасидан яхшигина даромад қилиб, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ошишига муносиб ҳисса қўшди. 70202 тонна тола хорижга жўнатилди. Дунёнинг манаман деган 12 мамлакати наманганликлар толасига харидор бўлди. Англия, АҚШ, Швейцария, Испания, Бельгия, Франция, Жанубий Корея каби давлатлар тола сифатига юқори баҳо бердилар. Бу эътирофлар пировардида ўз самарасини бермоқда. Бирлашма тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг пахта ҳосилини қабул қилиш, сифатли сақлаш ва қайта ишлаш бўйича мутахассисларнинг изланишлари натижасида кейинги йилларда бирор марта рекламация (эътирознома) олинмади.

Иш самарадорлиги ва сифати учун интилишлар бошқа бир эътирофда ҳам ўз аксини топмоқда. Дунё миқёсида пахта етиштирадиган мамлакатлар ўртасида таъсис этилган «Олтин глобус», «Олтин юлдуз» совринларига мунтазам сазовор бўлаётган корхоналар кўпаймоқда. Қўғай, Чортоқ, Чуст, Гулбоғ пахта тозалаш корхоналари ана шундай шарафга муяссар бўлган жамоалардир.

Бирлашма тизимида иш ўринларини кўпайтириш, бу борада фойдаланилмаётган заҳираларни келтириш ҳам диққат-эътиборда. Қўғай пахта тозалаш корхонаси қошида брезент ишлаб чиқариш цехи, Чустдаги корхонада эса халқ истеъмоли моллари, жумладан, машҳур Чуст дўпписи ва пичоқлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Чортоқдаги корхона асосий намунали фаолиятдан ташқари, тикувчилик фабрикаси қувватини йилдан-йилга оширмоқда.

Бирлашма раҳбариятининг яна бир талабчан йўли — соҳага, айниқса, корхона раҳбарлигига тасодифий кишиларнинг келиб қолмаслиги учун ҳаракат қилинади. Раҳбар кадр танлашда аввало мутахассислигига, тажрибасига, лаёқатига қаралади. Ишлаб турганлар эса ҳар йили мавсум олдидан аттестациядан ўтказилади.

Раис билан суҳбат чоғида эътиборни оғриқли масалага қаратамиз. Бирлашманинг иши яхши. Маошлар жойида. Масалан, пахта тозалаш корхонасидаги оддий ишчининг маоши 20 минг сўмдан кам эмас. Лекин пахта етиштираётган деҳқоннинг даромади нима бўлади? Унга ўз вақтида маош тўлаб туришга қандай тўсиқ бор?

— Олдинлари ҳақиқатдан ҳам узилишлар бўлиб турарди, — дейди М. Ғаниев. — Лекин кейинги йилларда тартибга тушяпти. Масалан, 2001 йил ҳосили учун ҳозиргача 7 миллиард 349 млн. 134 минг сўм маблағни бўнак тарзида хўжаликлар ҳисобига ўтказиб қўйдик. Менимча, бу маблағни биринчи навбатда маош сифатида деҳқонга берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди...

Шу ўринда яна бир гап, хайрсаховатли ишлардан тизим меҳнаткашлари четда эмас. Бирлашма топаётган даромад мустақиллигимизнинг амалда мустаҳкамлашга, юрт фаровонлиги, эл-улус тинчлигига хизмат қилмоқда. Вилоят марказида муҳташам, жаҳон илғор тиббиёти талаблари даражасидаги тез тиббий ёрдам маркази қурилишига бирлашма 26 миллион, туманларда фойдаланишга топширилган марказ филиалларига 22 миллион сўм маблағ берди.

Бундан ташқари, кундан-кун чирой очаётган вилоят шаҳар ва қишлоқларида, ижтимоий мадад олаётган кекса, ногирон, жажжи болажонлар хурсандчилигида пахта тозаловчиларнинг ҳам улуши бор.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратда: бирлашма мутахассиси Зоҳидахон Мамадалиева, сифат бўлими бошлиғи Рустамжон Содиқов ва бирлашма раиси Маҳмуджон Ғаниев марказий лабораторияда.

ЎЗБЕК НОШИРЧИЛИК ТАРИХИ

ИРМОҒИ

аждодларимизни илм-фанга, маърифатга чорлаш юқори талаб даражасида тус олганлиги, у томонидан 1417 йили Бухорода қурдирилган мадраса пештоқига: «Билимга интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлларнинг бурчидир» деган ёзувлар битилгани, Хоразм Маъмун академияси фаолияти, Бойсунқур Мирзо ва Беҳзод замонидаги Ҳирот китобхонасида Низомий Ганжавий, Шайхзода Отойи, Саъдий, Навоий, Жомий, Амир Хусрав Деҳлавий ва бошқа кўпгина классиклар, файласуфларнинг асарлари қатори Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си кутубхонанинг тарихий қўлёзма нусхаси 1430 йилда яратилганлиги ва бу асар 1931 йилда Лондонда Эрон санъати бўйича ўтказилган II Халқаро конгресс кўргазмасида ҳамда 1935 йили Петроградда Эрон археологияси ва китоб санъати бўйича VI Халқаро конгресс кўргазмасида намойиш қилиниб, кўпчиликни лол қолдирганлиги китобшунос олимларимизга сир эмас.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил июлда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ўзлигимизни англашга, яъни асл ўзбек халқи тарихини ва унинг салмоқли томчиси бўлмиш китобатчилик, матбаа-ноширлик тарихи яратилишига ҳам катта имкон берди.

Ўзбек халқи маданий тарихига оид баъзи китобларда, газета саҳифаларида китобатчилик, матбаа-ноширлик соҳаси фақат октябрь инқилобининг кучли қуролига айланган советларнинг мафкуравий вақтли матбуоти юзага келиши билан ташкил топган ва ривожланган дегувчилар ҳали ҳам учраб туради. Бундай хулосаларга барҳам бериш ҳар бир соҳада бўлгани каби ўзбек китобатчилигининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажагига эгалигини кўрсатиши лозимдир.

Туркистонда октябрь тўнтаришидан олдин 25 та матбаа ўчоғи эмас, аниқроғи, 90 та катта-кичик матбаа-нашрхоналар фаолият кўрсатганлиги, улардан тўрттаси бир асрдан зиёд фаолият кўрсатганлиги ҳам маълум бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасига тегишли Тошкентдаги 1-босмахона октябрь инқилоби маҳсули (1923 й.) эмас, у 1898 йил ўзбек зиёлиси Ғулом Ҳасан Орифжоновнинг ташкил этган муқовахонаси, кейинчалик (1907 й.) бу устахона тошбосмага айланиб, 1918 йили апрелда хусусийлаштирилиб 1-намунали мусулмонлар босмахонасига айланди. Олдин Ўздавнашр буюртмаларини, 1923 йилдан Средаздавнашр, 1924 йил декабридан 1-босмахона номи билан Ўзбекистон Республикасининг босма маҳсулотини ижро эта бошлайди.

Бу каби камситишлар ўзбек тилидаги нашрлар: китоб, газета, ойномалар сонида ҳам кўзга ташланади. Бу билан «катта ака»ларимизнинг ўзбек халқини бутунлай, яъни 90,2 фоизини саводсизликда айблаши ҳам ҳақиқатдан йироқ эканлигига шубҳа йўқ. Ўзбекистон давлат марказий муҳофаза ҳужжатхоналарида сақланаётган, мустақилликдан олдин жамоа, халқ эътиборидан яширин тутилган ҳужжатлардан бирида, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Швайковскийнинг Туркистон генерал-губернаторига 1897 йил 14 октябрда ўзининг ўн бир йиллик ҳукмдорлигидан сўнг Фарғона водийси ҳақида йўллаган қуйидаги ҳисоботида: «Табиат инъом этган Фарғона водийсида яшовчи бир ярим миллион рус халқи граждан ҳуқуқи ва Оврўпа маданиятидан бутунлай орқада, рус жамиятининг кўпчилик қисми ўзини шу вақтгача бир қадар terram inkoditam (очилмаган қўриқдай) ифодалайди. Бу — жамият рус вақтли матбуотини хайрихоҳлик билан қутиб қолади, деган умидга ҳуқуқ беради», — деб ёзади. Бу каби маълумотлар Самарқанд (5 декабрь, 1897 й.), Сирдарё (26 июль 1898 й.) вилоят ҳарбий губернаторлари ҳисоботида ҳам қайд этилган. Тахминимча, баъзи олимлар «Катта ака»мизни ранжитишга ийманиб, бу рақамни маҳаллий миллат вакилларига, яъни саводсизликнинг катта фоизини ўзбекларга йўйиб юборганликлари эҳтимолдан йироқ эмасдир.

■ **Азиз ҲАМИД ўғли БОБОХОНОВ,**
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

XORIJDA

ЛОЙИҲА ТАСДИҚЛАНДИ

Япония ҳукумати иккинчи жаҳон уруши даврида Хитойда қолиб кетган кимёвий

қуролларни зарарсизлантириш лойиҳасини тасдиқлади. Ҳукумат вакилининг айтишича, ушбу лойиҳа ижросига шу йилнинг ўзида киришилади. У 2002 йилнинг мартида ниҳоясига етиши керак.

Маълумотларга қараганда, Хитойда 700 мингта кимёвий қурол қолиб кетган. Бироқ, хитойликлар бу кўрсаткич икки миллионга етади, демоқда.

ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Колумбия инқилобий қуролли кучлари гаровда ушлаб турган 242 нафар кишини озод қилди. Мамлакат президенти Андрес Пастрана исёнчи гуруҳларнинг бу ҳаракати ҳукумат билан ўзаро тинчлик музокаралари ўтказилишига катта ёрдам беражагини айтди.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уч ҳафтадирки, Нигериянинг Насарава штатида элатлараро уруш-жанжал босилганлиги йўқ. Тив ва хаус қабиласи ўртасидаги тўқнашувларда 50 дан зиёд одам қурбон бўлди. Айниқса, штатнинг Тудун Адабу ва Лафиа шаҳарларида можаро жуда авж олган. Юз бераётган хунрезликлар туфайли ўн минглаб киши штатни тарк этди. Маҳаллий полиция можарони тинчитишга қурби етмай, ҳукуматдан қўшимча ёрдам кучлари жўнатишни сўради.

НАЗОРАТ ЎРНАТИЛМОҚДА

Сомали пойтахти Могадишо кўчаларида ўн йиллик танаффусдан сўнг илк бор яна полициячилар пайдо бўлди. Илгари шаҳар кўчалари турли қуролли тўдалар томонидан бўлиб олинган эди.

1991 йили Сиада Баре ҳокимияти ағдарилгач, Сомали турли қуролли гуруҳлар томонидан ўнлаб ҳудудларга бўлиниб кетди. Ўтган йилнинг кузида бўлиб ўтган умуммиллий анжумандан кейин ўтиш даври ҳукумати тузилди. Бироқ, янги ҳукумат ҳали пойтахтнинг атиги бир қисмини назорат остига ололган, холос.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 3, 10, 24 АВГУСТ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«A. Meredith Jones Co LTD» компаниясига тегишли:

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Конституция кўчаси, 56-уйда жойлашган уй-жой, **бошланғич баҳоси — 10 196 349 сўм;**

— «Фиат Темпра» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт, **бошланғич баҳоси — 2 520 000 сўм;**

— «Тойота Превия» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган микроавтобус, **бошланғич баҳоси — 3 471 000 сўм;**

«Узирстройконструкция» хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

— «КамАЗ-5320» русумли, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01-43 ТНН, **бошланғич баҳоси — 2 190 000 сўм;**

— «РАФ-2203» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 00-30 ТНН, **бошланғич баҳоси — 1 267 625 сўм;**

— «ИЖ-2715» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 313, **бошланғич баҳоси — 328 020 сўм;**

— «ИЖ-2715» русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 07-79 ТНН, **бошланғич баҳоси — 246 015 сўм;**

— «ИЖ-2715» русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 04-79 ТНН, **бошланғич баҳоси — 246 015 сўм;**

— «ГАЗ-24» русумли, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14-47 ТНБ, **бошланғич баҳоси — 413 588 сўм;**

— «ГАЗ-24» русумли, 1961 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14-48 ТНБ, **бошланғич баҳоси — 344 656 сўм;**

— «ГАЗ-3102» русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АІ 235, **бошланғич баҳоси — 1 368 975 сўм;**

— «ГАЗ-24» русумли, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 89-25 ТНБ, **бошланғич баҳоси — 206 793 сўм.**

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдолар 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.
Телефонлар: 144-71-78, 144-44-73.

ОГОҲЛИК

ОСМОНДАГИ ОҒУ...

ЁХУД ТИРИКЛИК ТОМИРИГА БОЛТА БЎЛИБ ТУШАЁТГАН ЙИРИК ЗАВОД ХУСУСИДА

1. ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ БУЗИЛМАСЛИГИ КЕРАК...

Ҳаёт пайдо бўлгандан бери инсониятнинг бошига урушлар, тўполонлар, қирғин-баротлар не-не савдоларни солиб келмади. Одам боласи эзгулик ва ёвузлик оралиғида икки хил қиёфада яшаб келаяптики, бир-бирига тиғ ўқталган узоқ даврлардан бошлаб, то турлихил қурол-яроғ, бомбаларни яратган, цивилизациянинг юксак чўққисига чиққан бугунга қадар у ер-бу ерларда ёнаётган уруш оловидан она сайёрамиз азоб тортиб келаяпти. Қанчалаб кишиларнинг ҳаёт шаъми сўнмоқда. Энг даҳшатли томони шуки, бу кўргуликларнинг тепасида инсон фарзандининг ўзи турибди, билиб туриб бир-бирини жаҳолат чоҳи томон бошлаяпти. Терроризм деган бало чиқди. XXI асрнинг кўксидаги доғ, яра сифатида бу жирканч тушунча бутун инсоният ҳаётига хавф, қутқу солиб турибди. Тинчликсевар эл-элатлар, миллатларнинг осуда кунларига ҳамла қилишга шайланмоқда, айрим жойларда соқин ҳаётнинг издан чиқаришга уринишлар бўлаяпти. Уруш ўчоғини барпо қилиб дунёни ваҳимага солишни ният этган, инсоний қиёфасидан мосуво бўлиб, бани башар ғазаб ва нафратини қўзғатган бу кимсаларнинг қабоҳат ботқоғида ботиб келажак ҳақида ҳеч қандай хаёлга бормаслиги, эртанги авлод, инсоният равнақи, ҳаётнинг бардавомлиги хусусида қайғуриш ҳиссидан жудо бўлганлиги барчамизга аён.

Бизнинг асримизга келиб кишилик жамиятида тубанлик саналмиш яна бир иллат пайдо бўлди. Бу — ахлоқсизлик, фоҳишабозликнинг илдиз отиб бораётгани. Одамзот ўзини пок ва соф асрамоғи, насллари қонини тоза сақлаб, гўзал ҳаёт давомчиларини изидан қолдириши учун қадим шарқда асосий инсоний комиллик мезони саналган маънавий юксаклик сари юз буриши керак. Учинчи бир иллат — гиёҳвандликка ружу қўйиш, наркобизнес билан шуғулланиш ҳам кишиларни йўлдан оздирмоқда. Қоронғулик сари бошлаб, боши берк кўчага солиб қўяяпти. Бу ҳол ҳам бутун дунёнинг диққат марказида. Бу мусибатли ҳолга нисбатан қўлни қўлга бериб, елкадош туриб курашмоқлик давр талабига айланган.

Бугунги кунда юқорида биз санаб ўтган ҳалокатли йўллар сирасига кўп жойларда экологик муҳитнинг бузилиши, табиатнинг ифлосланиб, зарарли моддаларнинг ортиши, тирикликка нисбатан жиддий зиёнзаҳмат етаётганлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Табиат — ҳаётнинг мувозанати. Инсоннинг ҳеч қачон табиат устидан зуғум ўтказишга ҳаққи йўқ. Улкан уммонлар, юксак тоғлар, бепоён саҳролардан тортиб, заминдаги қум заррасидан тортиб то бир гиёҳгача ҳар нарсанинг ўз ўрни бор. Улар борлиқнинг мувозанатини ушлаб туради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қараганда, бир гиёҳнинг синиши, бирор дарахтнинг қуриб қолиши ёхуд тирикликка тажовуз қилинадиган даражада ҳавони ифлослантириш ўз-ўзидан бу мувозанат бузилганлигини англатади. Шундай бўлгач, табиий тараққиётга дарз кетади.

Бугун табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва наботот оламини асраш инсониятнинг диққат марказида турибди. Шундоғам шу пайтгача портлашлар, қон тўкишлар, урушлардан зада бўлган, чарчаган Ер шарида софлик, табиий яшиллик, тириклик барқ уриши, зилол сувлар оқиб, табиатнинг буюк иноъоми дов-дарахтлар мевага кириши, тупроқ таркибининг бузилмаслиги, мўл ҳосил мезони сифатида сақланиши учун ҳар биримиз курашишимиз керак. Табиатни асраш — ҳаётни асраш, келажакни ардоқлаш билан баробар ёрқин ҳодиса. Илмий жиҳатдан, ҳаётий тажрибалардан ҳам маълум бир ҳақиқат бор, бу ҳақиқат исботини топган — агар одамзот кўриб билиб табиатга нисбатан тажовуз ва шафқатсизлик қилса, вақт-соати келиб табиат томонидан қилмишига яраша жазосини олган. Бунга мисоллар жуда кўп.

Биз ҳозирги чоғда Ватанимиз равнақи, халқимизнинг келажаги учун жиддий хавф-хатар туғдирувчи, айни пайтда ҳам зарарли оқибатлари яққол сезилиб, кўзга чалинаётган экологик фалокат хусусида тўхталмоқчимиз. «Экологик фалокат» атамасини шунчаки сўз ўйини учун ишлатмаганимизни қуйида келтириладиган факт ва далиллар моҳиятидан ҳам билиб олишингиз мумкин.

2. ТИРИКЛИК ХАВФ ОСТИДА

Тириклик деганда кўз ўнгимиздаги борлиқ, табиатни тасаввур қиламиз. Очилиб турган гулдан тортиб қушлар, ҳайвонлар ҳамда оламнинг мукаммал мўъжизаси инсонгача бўлган неки мавжудлик бор — бу тириклик. Табиатдаги неки мавжудот бўлса, улар орасида уйғунлик, боғлиқлик бор.

XXI асрда тараққиёт ва цивилизациянинг чўққиси забт этилди. Илм-фан тобора юксалаяпти. Шу билан бирга Ер юзини асраш, инсоний туйғуларни ардоқлаш, она-табиатни ҳимоя қилиш масалалари муҳим босқичда турибди. Ҳозирги кунда Ватанимиз экологиясини яхшилаш, бу борада кечиктириб бўлмайдиган даражада чора-тадбирлар белгилаш учун асосли ҳолатлар мавжудки, бу хусусида халқимизни огоҳ этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Аввало бир мисол келтирайлик: қачонлардир довруғи мамлакатга кетган Дашнобод анорларининг шуҳрати бугун сувга тушган қумдай йўқолиб кетди. Юртимизнинг қаерида бўлмасин Сариосиё борасида сўз кетса, гап Дашнободга, аниқроғи, Дашнобод анорига бориб тақаларди. Пўстлоғи бахмалдай товланиб, ҳар бири косадай келадиган, ичида ёқутдай нур сочгувчи анор доналари лаззатининг таърифига сўз ожиз эди ўша дамлар. Табиатнинг улкан мўъжизаси ҳисобланмиш бундай мева юртимизнинг ҳеч бир жойида Дашнободчалик бўлиқ ва тўлиқ етилмасди. Чунки Сариосиёдаги иқлим, тупроқ шароити, соф ҳаво, қўйингки табиий шарт-шароит Дашнобод анорининг етилиб болга тўлишига имконият яратган эди.

Вақт ўтди. Дашнобод анорзорларидан файз кетди. Кўчатлар ўсишдан тўхтади. Навдалари сарғиш тусга кириб, хастаҳол бўлди. Анор мевалари бужмайди, пучмоқ бўлиб қолди. Пўстлоқ ичидаги пардалар қуриди. Анор доначалари сувга, ширага тўлиш ўрнига қовжираб қақшади. Даҳшатли кўриниш — ўта ёқутдай товлангувчи анор доначалари кулга айланиб қолаверди. Табиатнинг бундай зулми биргина Дашнободнинг довруқли анорининг эмас, балки Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманларидаги барча мевали дарахтлар, ҳатто ўт-ўланларнинг ҳам бошига етди. Ҳайвонлар орасида касаллик кўпайиб борди. Кишилар соғлигига зиён етди. Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудуди жиддий хавф остига тушиб қолди. Бу аянчли аҳволнинг бирдан-бир сабабчиси эса Тожикистон Республикасида жойлашган алюминий заводи бўлиб турибди.

80-йилларнинг ўрталариданоқ, завод фаолияти билан боғлиқ заҳарланиш Сурхон воҳасининг шимолий қисмида ўз таъсирини кўрсатган эди. Шундан бери бу хавф ортса ортяптики, камайгани йўқ. Бугунги кунга келиб заводдан чиқаётган зарарли моддалар ҳавони заҳарлаб бўлди. Табиий муҳит бузилди. Экология танг аҳволда. Тупроқ унумдорлигига зарар етди. Ўт-ўланлар таркиби ҳам заҳарга тўлди. Юқорида номи тилга олинган туманларнинг иқтисодиёти издан чиқа бошлади. Энг даҳшатлиси, кишилар ўртасида турли хил касалликлар кўпайиб бормоқда. Бу эса аҳоли ўртасида завод маъмуриятига, мутасадди раҳбарларга нисбатан жиддий норозилик кайфиятини туғдираяпти.

— Еримиз ишдан чиқиб бўлди. Бу завод бошимизга битган фалокат бўлди. Ҳатто ёшларимиз ўртасида ҳам турли хил касалликлар тури ортиб бораяпти. Ҳаммаси шу завод таъсирида бўлаяпти. Эрталаб уйғонсангиз томоғингиз заҳарга тўлиб турасиз. Дарахт барглари кўкимтир чанг қотади. Бу масалани жиддий ўйлаб кўриш керак. Олди олинмаса бўлмайди, — дейди Узун тумани Олмазор маҳалласида яшовчи Темур ота Чориев.

— Туманимиз шамол йўлида жойлашгани учун алюминий заводидан чиққан тутун тўғри бизга келади. Бу тутун ўсимликлар, мол-ҳолимиз, ҳатто ўзимизни ҳам заҳарлаб, тинка-мадоримизни қуритаяпти... Наҳотки шу пайтгача бу муаммони ечиш учун чора кўрилмаса, — деб сўзга қўшилади яна ўша маҳалладан Пўлатбой ота Бўриев.

— Очиғини айтиш керак, завод таъсирида ногирон туғилаётган болалар кам эмас, оналар соғлиғи аянчли аҳволда, касаллик тури кўпайиб бормоқда, ачинарли томони, беморларнинг ўзлари ҳам завод мўрилари пуркаган ифлос тутун оқибатида касалликка йўлиққанини билишади. Уларнинг кўнглида доғ бўлиб қолган ана шу ўкинч олдида нима деб юпанч беришга қийналасан киши. Ёшёш келинчаклар, 18-19 ёшли йигитларнинг хастаҳол, сўник ниго-ҳига боқиб оғринасан киши. Наҳотки шу исқоти завод қанчалаб кишиларни ногирон қилиб ташласа... Бу ҳолни тўхтатиш мумкин эмасми? Наҳотки, шу пайтгача бирор-бир йўли топилиб, тадбир белгиланмади? — дейди Узун туманидаги шифохонада даволанаётган бир отахон.

Очиғи, бу ҳақли эътирозлар ҳар бир кишининг қалбини титратади. Ўйга толдиради. Алюминий заводининг экологияга салбий таъсир этаётгани борасида 1997 йилнинг 17 ноябрида Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари орасида битим имзоланган эди. Битим «Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсир кўрсатаётган ҳудудда экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида» деб номланган эди. Бу борада, яъни Битимнинг бажарилиши бўйича «1996-2000 йилларда Тожикистон алюминий заводининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-технологик Дастур» ишлаб чиқилган эди. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ҳукуматлари томонидан имзоланган мазкур Битим асосидаги Дастурнинг 5,6,7,9-бандлари асосида Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлар бажарилган, бироқ қолган бандлар Тожикистон Республикаси билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлганлиги туфайли тадбирлар бажарилмай қолган.

Хуллас, Сурхондарё вилояти табиатига зиён-заҳмат етказаётган завод ҳавога водород фторид қолдиғи, углерод оксиди, азот икки оксиди, олтингугурт ангидридини чиқариб бераяпти. Кимё фанидан озгина хабари бор киши ҳам бу моддаларнинг турган битгани заҳар эканлигини яхши тушунади. Бу моддаларнинг ҳаводаги бугунги миқдори қандай? Республикамиз мутасаддилари томонидан бу жараён текшириб борилаётган бўлса-да, афсуски, Тожикистон Республикаси томонидан Сариосиё ҳудудида атмосферада водород фторид қолдиғи, азот икки оксиди, олтингугурт ангидриди миқдорини текшириш ишлари 1984 йилдан то бугунги кунгача амалга оширилмаган. Яъни, Дастурда белгиланган ишлар қоғозда қолиб кетган.

Ҳаётда эса заводдан тарқаётган зарарли моддалар таъсири яққол сезилмоқда. Сурхон воҳасининг шимолий қисми аҳолиси ўртасида юқумли ва поразитар касалликлар қисми кўпаймоқда. Янги пайдо бўлган ўсимталар, ички секреция безлари, овқатланиш ва модда алмашинувининг бузилиши, иммунитет касаллиги, қон ва қон пайдо қилиш аъзолари касалликлари, туғма анология хасталиги тобора ортиб бораяпти.

Яна бир аниқ фактга эътибор беринг. Дарахт барглари водород фторидини жуда кўп миқдорда ушлаб қолади. Агарда алюминий заводи жойлашган Турсунзода туманидан Душанбе йўналиши бўйича водород фториди миқдори текширилганда 10 чақирим йўлдан сўнг дарахт барглари да 20-40 мг/кг миқдорда фторид борлиги аниқланди. Энди алюминий заводдан Сариосиё йўналиши бўйича худди шундай масофада юрилиб, яъни 10 чақирим йўл босилгач, барглар да фторид концентрацияси миқдори 280 мг/кг ни ташкил этди. Бу эса кучли заҳарланиш сирасига киради. Куз ойларида эса барглар фторидлар миқдори 1,5-2 баробар кўпаяди. Агар заводдан Душанбе томонга 10 чақирим юрилиб барглар да ўрнашган фторид концентрацияси ўлчанганда 70 мг/кг ни ташкил этса, Сариосиё йўналиши шу масофадаги барглардаги фторид 680 мг/кг ни ташкил этади. Демак, мамлакатимиз ҳудуди томон оқиб келаётган заҳар-заққум куз ойларида янада ошади. Шамол бу заҳарларни бизнинг далаларимизга ҳайдаб келади. Ўзбекистоннинг бир бўлагида катта зарар кўпаяди. Баргни 680 мг/кг фторид қопласа яшаш мумкин бўлмаган даражада зарарланиш рўй бераркан. Бу фан томонидан исботини топган.

Ана нима сабабдан кузда етилиши лозим бўлган Дашнобод анорининг қувраб-қақшаб, кулга айланишини англагандирсиз?!

3. ОДАМЛАР АЗИЯТ ЧЕКИШМОҚДА...

Юқорида биз Тожикистон алюминий заводи таъсирида халқ орасида турли хил касалликлар кўпаяётганини айтган эдик. Завод Сурхон воҳасининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари қишлоқ хўжалиги экинларигагина зарар келтириб қолмай, балки бу туманларда яшаётган аҳоли саломатлигига жиддий таъсир қилаётганини айтиб ўтган эдик. Мева ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, тупроқ таркибида фтор бирикмаларининг ҳаддан зиёд ошиб кетиши натижасида келажагимиз бўлган ёш авлод соғлиғи ҳам хавф остида қоляпти. Қўлимиздаги фактларга асосланиб айтадиган бўлсак, заводдан 15 чақирим узоқликда жойлашган Сариосиё ҳамда заводдан 150 чақирим беридаги Жарқўрғон туманларида аҳоли тиббий назоратдан ўтказилди. Ҳар икки тумандан 14 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтганда Сариосиёда Жарқўрғон туманига нисбатан турли хил касалликка чалинган болалар сони 2 баробар кўплиги аниқланди. Тасаввур қилинг-а, ҳар бир сариосиёлик болага бир неча хил касаллик тўғри келаяпти. Буни ақл чиғириғидан бир ўтказиб кўрсак, нечоғлик аянчли ҳодиса эканлигини англаб қоламиз. Болалар ўртасида эндокрин ва модда алмашинуви, рахит, асаб, нафас олиш органи, овқат ҳазм қилиш аъзолари, бўғим ва суяк хасталиклари ошиб бормоқда.

Аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилларга қараганда, туманда 1991 йилда 107974 та касаллик қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилга келиб 157502 тага етди, яъни 50 мингга кўпайди. Кейинги уч йил ичида эса бу рақамни қанчага ошганини ўзингиз хулоса қилиб кўринг. Заводдан тарқалаётган заҳарли моддалар туфайли ички секреция безлари касаллиги, буқоқ касаллиги, қон ва қон яратувчи органлар касаллиги йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Бундан ташқари аёллар ўртасида ички касалликларнинг айрим турлари вилоятнинг бошқа марказий туманларига нисбатан 7 маротаба кўпайиб кетганлиги аниқланди. Бу эса Сариосиё ва унга яқин туманларда аёллар ва болалар соғлиғи энг оғир аҳволда эканлигидан далолат беради.

Чунки мева-чева заҳарланган, тупроқ ҳолсизланган, ичимлик сув таркиби ҳам нотоза, неки тановвул қилиш мумкин бўлган маҳсулот борки, заҳар-заққум аралашган бўлса, бошингиздан қуюқ қурум, заҳар тутуни пуркалса, бундай ҳолда болалар соғлиғи, аёллар сиҳат-саломатлиги хусусида қандай гап бўлиши мумкин, деган ўкинчли ўй ўтади. Эътиборимизни Сариосиё билан ёнма-ён, Тожикистон алюминий заводининг ҳамласига дучор бўлган Денов тумани соғлиқни сақлаш тизимидан олинган маълумотномага қаратайлик. Ҳавонинг заҳарланиши, фтор бирикмаларининг ортиши ўлароқ, йод етишмовчилиги ортиб бораяпти. Натижада болалар, ўсмирлар, аёллар ўртасида буқоқ касаллиги кескин кўпаяяпти. 1997 йили буқоқ касаллигига чалинганлар 1828 нафар қайд қилинган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 9716 нафарга етди. Шунингдек, Деновда ҳам йилдан-йилга қон томирлари хасталиклари кенг тарқалиб бораяпти. Ҳавфли ўсма касалликлар бўйича ўлим кейинги 5 йилдан кўра 1 йил ичида анча кўпайган. Табиатнинг оғу оғушида қолиши нафақат ўсимлик балки инсонлар бошига ҳам оғир кулфат солаётганини унутмаслигимиз керак.

4. ДАҲШАТ ҚУЮНИ ЁКИ ТИШСИЗ БУЗОҚЛАР...

Ҳавога тарқалган фтор гази Сариосиё ҳудудига яқин туманларнинг қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари ҳосилдорлиги ҳамда самарасига тўсиқ бўлаяпти. Сариосиё ва унга яқин туманларда чорвачилик анча орқага кетди. Сабаби маълум, заҳарли чиқиндилар чорва моллари, жумладан, янги туғилган бузоқларга ёмон таъсир қилаяпти. Молларнинг оғиз бўшлиғидаги милклари жароҳатланаяпти. Бузоқларнинг тишлари тўкилиб кетмоқда. Заводнинг заҳарли тутуни қоплаган ўсимликлар, ўт-ўланлар қорамолларга катта зарар келтирмоқда. Энг даҳшатли томони, бу атрофдаги сигирлар сути олимлар хулосасига кўра яроқсиз деб топилди. Шундай экан, бу туманлар давлатга сут топшириш масъулиятини олмаслиги мумкин деган фикрга тўхталсак ҳам бўлади. Хўш, гўшт масаласи-чи? Заҳарли ўт-ўлан еб касалликка чалинган молнинг гўштини тановвул қилиш мумкинми?! Бу масала ҳам кишини ўйга толдиради.

Шунингдек, заводдан чиқаётган даҳшат қуюни мазкур туманларда пиллачилик ривожини ҳам тўхтатиб қўяяпти. Заҳарли ҳаво оқими ипак қуртига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари тут баргини ҳам заҳарлайди.

Фтор гази тупроқ микрофлорасини ҳам ўзгартириб юбораяпти. Тупроқнинг юза қисмидаги 10-15 см қалинликдаги фойдали микроорганизмларни нобуд қилмоқда. Полиз экинлари баргини қуритиб қўймоқда, қуйдириб юбораяпти.

Боғлар заҳар гирдобида қолди. Ўрик барглари тўкилиб бораяпти. Бу ерларда бугунги кунда ўрик меваси етиштирилмай қўйди. Фтор гази ҳатто картошка экишга ҳам зиён етказаяпти. Ҳосилдорлик кескин камайди.

Хуллас, неки ризқ-насиба манбаи мавжуд экан, Тожикистон алюминий заводидан ўрлаган таҳликали тутунлар йўқ қилиб, вайрон этиб бормоқда. Бу ҳудудда жойлашган туманлар аҳли азоб исканжасида қолганлигини бугунги кунда яшириб бўлмайди. Агар бу масалага жиддий амалий чора кўрилмаса, Сурхондарёнинг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари заҳар-заққум гирдобига ғарқ бўлади. Бу нарсага муаммо ёки масала деб эмас, балки фожиа деб қаралмоғи керак... Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари осмонида булутларга ёндош ҳолда қишин-ёзин оғу қуюни сузиб юради... Вақт ўтган сайин бу оғудан бутун тириклик заҳарланиб бормоқда.

Ҳа, хулоса қилиб айтсак, Тожикистондаги алюминий заводи тириклик илдизига болта сермаяпти.

Зеро, сигирлар сутини заҳарлаб, тишини тўкиб юбораётган, ўсимликларни қовжиратиб ташлаётган офатни инсон умрининг ҳам эгови деб атасак адашмаймиз... Бу эса ҳаммамизни ҳушёр торттириши лозим.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

САНЪАТ ОЛАМИДА

ОНА АЛЛАСИ ОЛЛОҲ СЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛГАН

— Қўлимга дутор олганимга 67 йил бўлибди, 5-6 ёшлигимдан созга ишким тушган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси театр ижодкорлари ва бастакорлар уюшмаси аъзоси Неъматжон Қулабдуллаев.

— Неъматжон ака, қўшиқчилик ва созларнинг яратилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўтмишда қушларнинг сайраши, гуллар, япроқларнинг шивир-шивири онанинг алласи билан уйғунлашиб мусиқа бино бўлган дейишади. Дастлаб Оллоҳга сиғиниб унинг номини такрорлаб қўшиқ айтилган. Оллоҳ сўзи аллага айланиб, оналар алласи пайдо бўлган. У пайтда соз бўлмаган. Шундан сўнг авлодларимизнинг зукколиги натижасида дутор яратилган. «Дутор» сўзи форсча бўлиб, икки тор деган маънони беради.

Шу ўринда бир нарсани айтиш лозим. Халқимиз тут дарахтини муқаддас деб билади. Кўп умр кўрган дарахтдан ясалган соз сифатли бўлади, ундан таралган овоз жарангдор бўлади. Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида 750 йиллик тутни ўз кўзим билан кўрганман.

Улуғ мутафаккирларимиз созга, қўшиққа алоҳида меҳр билан ёндашганлар. Хусусан, Мир Алишер Навоий ҳазратлари дутор чалиб ашула айтганлар, куй басталаганлар, натижада Муғанний тахаллуси олганлар.

Вақт ўтган сари дуторларнинг ҳам анча такомиллашган турлари вужудга келди. Ҳозирги кунда тенор, бас, алт, ва прима дуторлари бор. Оддий дуторларда 14 та, такомиллашган дуторларда эса 24 та парда бўлади.

— Сиз лирик қўшиклар, мумтоз ғазаллар ижро этасиз. Бунинг учун кучли овоз сохиби бўлиш керакми?

— Асло... Кучли эмас, ёқимли овоз бўлиши керак. Замахшарий айтганлар, товушинг ёқимли бўлмаса ашула айтма, деб. Аёлларда алт, сапрано, мессопрана, эркакларда бас, баритон, тенор овозлари мавжуд бўлади. Бахшилар асосан бас овозда ижро этишади. Санъаткор ўз овозига мос қўшиқ матнини танлай олса унинг айтган қўшиғи ўлмас асар бўлиб қолади. Куйланаётган қўшиқ ғоясига хонанданинг овози, саҳнадаги ҳолати, ички, ташқи дунёси, ҳамоҳанг бўлсагина у дилтортар қўшиқ айта олади. Қўшиқлар ўз салбий ва ижобий характери билан бутун табиатга таъсир этиши манбаларда келтирилган. Масалан, ёш болани алла ухлатса, толиққан асабларга қўшиқ ва мусиқа дам беради, ҳатто беморларни даволайди. Миллий мусиқамизнинг дилтортарлиги шуки, ҳеч қачон у ўз вазнидан чиқиб кетмаган. Ўз меъёрларига суянган ҳолда яшамоқда.

Япон олимлари ҳаддан ташқари кучли овознинг таъсири томошабиннинг асаб толаларини таранглаштиришини, инсон қадду қоматининг илдизи бўлган бадандаги ва миядаги суюқликни емиришини исботлаганлар. Санъаткор ўз мухлислари орасида асаби ожиз, юраги хаста беморлар бўлишини унутмаслиги шарт, булар саҳна маданиятига киради.

— Миллий кадриятларни авлодларимизга соф ҳолда етказишда мусиканинг ахамияти нимада, деб ўйлайсиз?

— Қўшиқчилик илоҳий куч, илоҳий неъматдир. Шундай экан уни ҳам миллий қадриятларимиздан бири десак ўринли. Шу боис қўшиқчилигимиз сир-асрорларини ҳам ёш авлод онгига сингдириб ўргатишимиз керак. Устоз Юнус Ражабийнинг «Шашмақом» асарларидан ҳатто мактаб ёшидан бошлаб ёшларимизга сабоқ бериш керак, деган фикрдаман. «Шашмақом»да, классик куйларимизда ҳар қандай инсонни тўлқинлантирадиган, қочиримга, нолага эга бўлган илоҳийлик бисёр.

— Эстрада қўшиқчилигининг бугуни ва эртаси ҳақида нима дея оласиз?

— Бу борада кўп ва хўп гапирилмоқда. Ёшларимиз эстрада йўлини танлаб «машҳурлик»ка интилишларининг сабаблари ўзларига маълум. «Эстрада» итальянча сўз бўлиб «очиқ саҳна» деган маънони билдиради. Унинг ҳам қоида ва қонунлари бор. Ачинарлиси шуки, қайси бир чет эл мусиқасига бўлар-бўлмас сўзларни чаплаб қўшиқ яратиш бу нафақат санъаткорнинг, балки шу соҳанинг ҳам фожиасидир. Ёшларимиз кўпроқ миллий меросимиз қадр-қимматини англаб, ўрганишга бўйин эгишса яхши бўлар эди.

— Шу касбни танлаганингиздан фахрланасизми?

— Озми-кўпми элга таниллдим. Ҳаётда ва ижод соҳасида 70 га яқин шогирдлар тайёрладим. 10 та фарзандни вояга етказдим. Шукр, ҳаётимдан нолимайман. Осмонимиз мусаффо бўлсин! Халқимиз тинч яшасин. Дилрабо қўшиқлар яралаверсин.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР суҳбатлашди**

ШИҚОРГА

КУЧ ВА МАҲОРАТ

Қорли чўққиларга бир чақирим кўтарилиш, текис йўлда беш чақирим юриш билан баробар экан. Шу боис овчилар ярим килоча гўшт берадиган какликни излаш, топиш ва отиш учун бир-икки кило «тош» йўқотиб, енгиллашиб оладилар. Тоғ овчиларининг қотма бўлишлари ҳам шундан.

Ёш овчига тоққа кўтарилиш ҳеч гапмас. У ов гашти, йигитликнинг жумбушга келиши, какликларнинг сайрашидан сархуш бўлиб, чўққини кўзлайверади. Қизариб, терлаб-пишиб, юраги ҳапқиришини писанд қилмай какликлар учган томонга ошиқаверади. Охири кечқурун ҳамма ўқларини «сочиб», машинага аранг судралиб келади-да:

— Акахонлар, машинага чиқарворинглар, — деб илтимос қилади. Боиси, тоққа икки марта кўтарилиб, яна қайтганнинг аҳволи аён. Тиззалар титрайди. Камида уч кун ўзига келолмайди. Зотан машинада ўлжа санаш чоғи кекса билан ёш овчини фарқлаш қийин. Ёши йигитлик кучини сарфлаб, кўп ўқ узиб, муддаога етган бўлса, кексаси қуввати расамадини билиб, нишонни бехато уриб, эгаллаган баландлигини бой бермасликка интилган. Ён атрофдан кўтарилган какликларни ҳовлиқмай юрак амри, ақл-заковати ила мўлжалга олган. Сабаби у йил сайин камаяётган кучига эмас, маҳорат ва тажрибасига изн бериб, кўникма билан муроса қилади.

■ **Ғофур ЖЎРАЕВ**

КЎНГИЛ ОВЛАБ

«Савобнинг ҳиммати улуғ», — дейдилар. Ҳикматона бу иборада ҳар бир мўминнинг икки дунё саодати ўз ифодасини топгандек. Боиси, савоб кетидан қувганнинг дили равшан, юзи ёруғ.

Одам билан тирикдир одам, одамсиз на даркор олам, дейишади. Собиқ синфдошлар анъанавий гурунгни (мактабни битиришганига 33 йил тўлди) туғма ногиронлар кўнглини овлаш билан ўтказишга ахд қилдик. Сабаби, 95 баҳорни қаршилаган Иқбол ая кўз ўнгида улғайишган. На чора, тақдир экан. Онахон — ногирон. Фарзандлари Ғишонбой билан Муҳаммаджонлар ҳам ногирон. Улар таваллудига 60 ва 53 йил тўлишини ўзига хос гурунгда нишонланиши дилларни ёриштириб юборди. Бир пиёла чой устида илиқ гаплар айтилди. Хонанда Озада Назарова кўнгилларни хушлади.

Ўзига хос тадбирда «Дўстлик» маҳалласидаги бу хонадонда меҳмон бўлган Миробод тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси бош мутахассиси Нилуфар Абдуллаева ногиронларни совғалар билан иззатлади.

■ **Ёқутхон ХОЛМУҲАМЕДОВА**

Онасининг қароғи, отасининг чироғи,
Тонгдай тоза кулгуси — гунчаларнинг яноғи...
Қоши қалдирғочқанот қизалоқлар қўлида
Эриб борар товланиб ўсмаларнинг япроғи.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

315 КИЛОГРАММЛИ БЕМОР

Оғир беморлар касалхонага одатда «тез ёрдам» машинаси орқали келтирилади. Неаполлик беморни касалхонага келтиришда эса ҳарбий вертолётга мурожаат қилишга тўғри келди. Сабаби у оз эмас-кўп эмас, 315 килограмм тош босди.

Беморни уйидан чиқариб олиш ҳам осон кечмади. Уни дастлаб ўт ўчириш машинаси ёрдамида том устига, ундан вертолётга ўтказишди. 46 ёшли бу хоним 4 фарзанд онаси. Ўзининг айтишича, охирги фарзандини туққанда 75 килограмм эди. Ўшандан кейин кун сайин семиришни бошлади.

Deutsche-Presshнинг хабар беришича, хоним касалхонада аксарият одамлардагина учрайдиган иштаҳа бузилиши касаллигига қарши даволанади.

Айтганча, бемор ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда. Чунки касалхона маъмурияти унга ҳар тарафлама қулай махсус кресло совға қилди.

ТИШ-ТИРНОҚЛИ ГЎДАК

Барселонада дунёга келган чақалоқ табиатнинг сир-синоатга бой эканлигини яна бир бор исботлади.

Врачлар чақалоқнинг илк чинқириғини эшитибоқ ажабланишди. Гўдакнинг овоз пардалари худди 8-10 ойлик боланикидек ривожланган эди. Унга синчиклаб эътибор беришганда ҳайратлари яна ошди. Сабаби, унинг бир эмас садафдек олти тиши ярқираб турарди-да. Тиббий хулосаларга асосан 21 ёшли она ҳам гўдак ҳам ҳар томонлама соғлом. Доктор Эзекуэль Бланконинг таъкидлашича, тиббиётда бундай ҳодисалар аввал ҳам кузатилган. Ушбу ҳодисанинг ҳайратланарли жойи шундаки, шу вақтгача фанга она қорнида иккитагача тиши чиққан чақалоқларгина маълум эди.

РУЛДА СЕРГАК БЎЛИНГ

Нью-Йорк штатида фуқароларнинг автомобилни бошқариш вақтида уяли алоқа телефондан фойдаланишини тақиқловчи қонун қабул қилинди. Бу қонун 1 ноябрдан бошлаб кучга киради. Янги қонунга кўра, қоидабузар ҳайдовчиларга турли миқдорда жарима солинади.

■ **Хорижий манбалар асосида Клара АБДУНАЗАРОВА тайёрлади**

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган банкни биласизми?

ҲА, ТЎҒРИ ТОПДИНГИЗ - БУ ДАВЛАТ - ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИДИР.

2001 йил 1 мартдан мижозлар эътиборига ҳавола этилган Халқ банкининг «Аср совғаси», «Бахтли болалик», «Кексалик гашти» омонатлари қисқа давр ичида замондошларимизнинг ҳаётбахш умидларини ҳақиқатга айланишида яқин молиявий кўмакдош бўлди. Ушбу омонат турлари бўйича 3 ой муддат ичида 15 мингдан зиёд ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқ билан ҳамнафас Халқ банки ватандошларимизга янги турдаги «Кафолат» омонатини тақдим этади. «Кафолат» омонатига 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда кирим бадали қўйиб, ойлик 2 фоиз миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз. Мазкур омонат олти ойлик муддатга қабул қилиниб, сақлаш муддати тугагач, Сизнинг мурожаатингизсиз ҳам банк омонат қолдиғига фоиз даромадларини қўшади ва омонатни кейинги муддатга узайтиради.

«Кафолат» омонати — Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Кафолатли банкнинг кафолатли омонатлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 3, 10, 17 август кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛДИ:

1. Бўстонлиқ тумани Товоқсой қўрғонидаги Темур Малик кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 14 та ер майдони. **Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 62724 сўм.**

2. Бўстонлиқ тумани Товоқсой қўрғонидаги Темур Малик кўчасида жойлашган сатҳи 290 кв.м. бўлган 1 та ер майдони. **Бошланғич нархи — 53600 сўм.**

3. Ангрен шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган «Кулол» ОТҲЖга қарашли катта ҳажмдаги плиталарни ишлаб чиқарувчи цех биноси ёрдамчи бинолари билан. **Бошланғич нархи — 40 млн. 473 минг 541 сўм** (ер майдонларидан қонун билан белгиланган тартибда фойдаланилади, объектни баҳолаш харажатлари ғолиб харидор томонидан алоҳида тўланиши эслатиб ўтилади).

4. Тошкент вилоят Давлат Мулк бошқармасига қарашли «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси , давлат рақами 10 AR 459, 1995 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 472000 сўм.**

5. Янгийўл тумани «МТП» корхонасига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:

— «ЗИЛ-ММЗ-45021», 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АС 274. **Бошланғич нархи — 650000 сўм;**

— «ЗИЛ-ММЗ-45021», 1984 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 670000 сўм;**

— «ГАЗ-5312», 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами, 11 АС 272. **Бошланғич нархи — 600000 сўм;**

— «ГАЗ-5327», 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 21-31 ТШН. **Бошланғич нархи — 490000 сўм;**

— «УАЗ-3303», 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 83-52 ТШМ . **Бошланғич нархи — 450000 сўм;**

— «УАЗ-3303», 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 34-66 ТШП. **Бошланғич нархи — 510000 сўм;**

— «УАЗ-452», 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АС 348. **Бошланғич нархи — 380000 сўм;**

— «КАВЗ-3270», 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23-86 ТШН. **Бошланғич нархи — 750000 сўм;**

— «ВАЗ-2107» , 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АВ 349. **Бошланғич нархи — 550000 сўм;**

— «Т-28х4» трактори, 1994 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 640000 сўм;**

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 29 май 61-сонида берилган эълондаги Янгийўл тумани Автомобиль йўллари бошқармасига қарашли «Нексия» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АВ 190 бўлган автотранспорт воситаси ушбу корхона хатига асосан кимошди савдосидан олинган.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдодан 3 кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввалги савдоларга қўйилган ва сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали брокерларни ҳамкорликка таклиф этади.



Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Телефон: 133-77-18, факс: 133-49-31.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasidd 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Табиий гиёҳлар билан умуртқа поғонасидаги ўсимталарни, тутқаноқ, ДСП ички бош мия қон босимини, сил касалини (туберкулёз) ва бўқоқларни даволаймиз.
Маълумот учун телефон: 46-57-94.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти МК Котибияти аъзоси, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ў. Мирзаевга онаси **НАФИСА ая**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти партия кенгаши ижроия бюроси Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Тошкент туманидаги Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси И. Позиловга волидаи муҳтарамаси **МУҲАББАТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси нашриёт муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тўлқин Алимовга акаси **Усмонжон ХОЛДОРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темирйўл компанияси раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси марказий қўмитаси компания раиси ўринбосари Равшан Абдунабиевич Абуяминовга укаси **АЛИШЕР**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.